

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олиниди:

№ БД-5630100-1.07

2018 йил "18" 08



**БИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 600000- Хизматлар соҳаси

Таълим соҳаси: 630000- Атроф мухит муҳофазаси

Таълим йўналиши: 5630100-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси  
(фан ва таълим)

ТОШКЕНТ-2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “05” 08 даги “Декрет-сонли буйрганинг \_\_\_\_\_ - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил “18” 08 даги Ч - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Махкамов Т.Х. ЎзМУ Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси мудири, биология фанлари номзоди, доцент

Эшова Х.С. ЎзМУ Зоология кафедраси доценти, б.ф.д.

Азизов Х.Я. ЎзМУ Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси катта ўқитувчиси

**Такризчилар:**

Рахимова Т.Т. ЎзР ФА Ботаника ва зоология институти етакчи илмий ходими, профессор

Аллабердиев Р.Х. ЎзМУ Экология ва эволюцион биология кафедраси мудири, б.ф.и.

Фан дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “15” 07 даги 3 - сонли баённома)

## I. Ўкув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Биология асослари фани биология фанлари тизимидағи энг асосий фанлардан бири. Биология асослари фани бир қанча мустакил фанларга бўлиниади. Экология таълим йўналиши учун ўтиладиган биология асослари курси иккита асосий бўлимдан иборат: ботаника ва геоботаника асослари, зоология. Юқорида келтирилган ҳар бир бўлим мустакил фан бўлиб, улар ўзаро хамда биологиянинг бошқа бўлимлари (ўсимликлар ва ҳайвонлар экологияси, физиологияси, атроф муҳит муҳофазаси ва уни қайта тиклаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқалар) билан узвий боғланган.

## II. Ўкув фанининг мақсади ва вазифаси

Биология асослари фанини ўқитишдан мақсад ўсимликларнинг анатомик ва морфологик тузилиши, тубан ва юксак ўсимликлар систематикаси, ҳаётий шакллари, ўсимлик жамоаларининг шаклланиши, фитоценоздаги жараёнлар ва бошқа биологик хусусиятлари; ҳайвонларнинг морфологияси, биологияси, экологияси, этологияси, филогенези, систематикаси ва зоогеографияси тўғрисида йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

Фанининг асосий вазифаси талабаларда ўсимлик ва ҳайвонот олами қонуниятларини ўрганиш асосида уларнинг кўпайиш усуллари, ўсиши ва ривожланишини турли туманлиги, уларни морфологик, анатомик, физиологик ва экологик аспектларини ёритиш тўғрисида таълим бериш ва амалда қўллай олишни ўргатишдан иборат.

Фан буйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига куйдаги талаблар куйилади. *Талаба:*

– фанинг предмети, мақсади ва вазифалари, фанинг тадқиқот услублари, обьекти; ўсимлик ҳужайрасининг ўзига хос хусусиятлари, ўсимлик тўқималари, ўсимлик органлари, тубан ўсимликларнинг асосий бўлимлари, юксак ўсимликларнинг асосий бўлимлари, ўсимлик жамоалари, ўсимликлардаги онтогенетик тактика ва ҳаётий стратегиялар, ўсимлик жамоалари классификацияси; ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги, ўсиши, ривожланиши, уларни морфологик, анатомик, физиологик ва экологик аспектлари, ҳайвонот дунёси классификацияси тўғрисида *тасаввурга эга бўлиши;*

– ўсимликлар ва ҳайвонларнинг хусусий ва тарихий тараққиётда органлардаги морфологик ва анатомик ўзгаришлари, бўлимлари, морфологик

белгиларига қараб ажратиш, уларни аниклаш, мутахассисликка оид замонавий тадкиқот услубларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– ўсимликлар ва ҳайвонларнинг морфологик белгилари ва анатомик тузилишини, тажрибалар кўйиш, гербарий йигиш, микроскоп техника усулларидан фойдаланиш, кесмалар тайёрлаш, бўяш, чизиш, доимий ва вактгиналилк препаратлар тайёрлаш, табиятда ўсимликларнинг вегетатив ва генератив аъзоларидан намуналар йигиш, коллекция тайёрлаш каби илмий билимлар, амалий маҳорат ва *кўнималарга эга бўлиши керак*.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машгулотлари)**

#### **1-Модул. Ботаника ва геоботаника асослари**

##### **1-мавзу. Ўсимлик ҳужайраси**

Ўсимлик ҳужайрасининг тузилиши. Уларнинг шакллари ва ўлчамлари. Паренхима ва прозенхима ҳужайралари. Ҳужайра қобиги. Цитоплазматик мембрана (плазмалемма). Цитоплазма (протоплазма). Протопласт. Органоидлар. Ҳужайранинг бўлиниши: амитоз, митоз ва мейоз.

##### **2-мавзу. Ўсимлик тўқималари**

Хосил қилувчи тўқима - меристема. Учки, ён, бўғим оралиги меристемалари. Уларнинг ўсимлик танаси бўйлаб жойлашуви. Инициал ҳужайралар ва уларнинг фаолияти. Бирламчи ва иккиласмачи меристема тўқималари (прокамбий, перицикл, камбий, феллоген).

##### **3-мавзу. Қопловчи тўқима**

Унинг таърифи, хиллари ва вазифалари. Бирламчи қопловчи тўқима – эпидерманинг тузилиши. Барг оғизчалари, уларнинг тузилиши ва ишлаш механизми. Иккиласмачи қопловчи тўқима – перидерма. Субериннинг хосил бўлиши. Пўстлок.

##### **4-мавзу. Механик тўқима**

Механик тўқималарнинг хиллари ва уларнинг функциялари. Колленхима. Склеренхима. Луб толалари. Ёғочлик толалари. Уларнинг ўсимлик органларида жойлашуви.

### **5-мавзу. Асосий (ассимиляцион, гамловчи) тўқималар**

Ассимиляцион тўқима. Унинг ўсимлик танасида жойлашуви, тузилиши ва функцияси. Хужайра тузилишининг ўзига хос хусусиятлари. Гамловчи тўқималар. Уларнинг ўсимлик органларида жойлашуви, хужайраларининг тузилиши, аҳамияти.

### **6-мавзу. Ажратувчи тўқималар ва аэрехима**

Ажратувчи тўқималар. Уларнинг тузилиши, жойлашиши, биологик аҳамияти. Ажралиб чиқадиган модда турухлари: эфир майлари, фитонцидлар, кислоталар, сут шираси, терпенлар, полисахаридлар ва бошқалар. Аэрехима – хаво ўтказувчи тўқималар ва уларнинг аҳамияти.

### **7-мавзу. Ўтказувчи тўқималар**

Умумий тавсифи. Ўтказувчи тўқима хиллари ва уларнинг функциялари. Ксилема ва флоэма. Ўтказувчи найлар (трахеялар), уларнинг тузилиши ва жойлашуви. Функциялари. Элаксимон (тўрсимон) найлар. Уларнинг тузилиши, жойлашуви ва функциялари. Трахеидлар, уларнинг тузилиши, хиллари ва ривожланиши. Перфорациялар. Сув ўтказгич элементларнинг (най ва трахеидларнинг) филогенетик ривожланиши. Ўтказув най боғламларнинг ҳосил бўлиши.

### **8-мавзу. Вегетатив органлар. Илдиз**

Илдиз ҳакида тушунча. Илдиз тизими ва илдизнинг морфологияси (асосий, ён, кўшимча илдизлар). Илдизнинг келиб чиқиш эволюцияси. Илдиз гипофи (кини). Илдизнинг учки меристемаси, унинг хиллари ва фаолияти. Ризодерма ва унинг функцияси. Перициклнинг роли. Камбий, феллогеннинг ҳосил бўлиши. Кўп йиллик илдизнинг тузилиши. Илдиз зоналари. Илдизнинг шохланиши. Ён илдизнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши. Ҳосил бўлишига кўра илдиз тизимларининг типлари. Қишлоқ хўжалик ўсимликларида илдиз тизимини шакллантиришнинг амалий усули. Илдиз тизимида илдизларнинг янгиланиши ва ҳалок бўлиши. Илдизлар метаморфози.

### **9-мавзу. Новда. Куртаклар**

Новданинг умумий тавсифи. Новда апекси ва аъзоларининг ҳосил бўлиши. Новдалар тизимининг ҳосил бўлиши. Бир йиллик новдалар ва уларнинг элементлари. Куртак ҳакида тушунча. Куртакларнинг ҳосил бўлиш ва

жойлашувига кўра типлари. Учки куртаклар. Ён куртаклар. Вегетатив ва генератив куртаклар. Куртак ва новданинг қайта тикланиши. Куртакдан новданинг ҳосил бўлиши, интеркаляр меристеманинг роли. Барг жойлашуви, унинг қонуниятлари ва асосий типлари. Новданинг шохланиши. Шохланиш тезлиги (интенсивлиги). Акротония, мезотония, базитония хақида тушунча. Моноподиал ва симподиал шохланиш. Буталарнинг шохланиши. Кўп йиллик ўтларда новдалар тизимининг ҳосил бўлиши. Симподиал ўсиш ва шохланишининг биологик ва хўжалик аҳамияти. Даражат ва бута ўсимликларда шох-шаббалар шакллантиришнинг биологик асослари. Шакллантиришнинг аҳамияти. Новданинг ихтисосланиши ва метаморфози. Ер остики новдалар: илдизпоя, столонилар, тутанаклар, пиёзбош.

### 10-мавзу. Поя

Поянинг умумий тавсифи ва тарьифи. Поянинг асосий функцияси. Новда апексида меристеманинг ҳосил бўлиши ва жойлашуви. Пояда бирламчи тўқималарнинг ҳосил бўлиши. Икки паллали ўсимлик пояси бўғим оралигининг бирламчи анатомик тузилиши. Барг изи ва стелнинг умумий тузилиши. Поянинг бирламчи йўғонлашуви ва ўсиши. Камбийнинг фаолияти ва иккиламчи йўғонлашувга ўтиш. Ёғочлик (ксилема)нинг тузилиши. Унинг таркибига кирувчи элементлар. Йиллик ҳалқалар. Ёғочлик паренхимасининг типлари ва роли. Ёғочлик тузилишидаги соддалик ва такомиллашган белгилари. Даражат, бута ва ўт ўсимликларда луб (флоэма)нинг тузилиши. Унинг таркибий қисмлари. Пўстлокнинг ҳосил бўлиши ва унинг ўсимлик ҳаётидаги аҳамияти. Бир паллали ўсимлик поясининг тузилиши. Икки паллали ўсимлик пояларининг тузилиши. Шохланиш турлари. Поянинг бирламчи ва иккиламчи анатомик тузилиши.

### 11-мавзу. Барг

Баргнинг вазифаси, морфологияси ва анатомик тузилиши. Баргнинг мезофилии, эпидермаси, ўтказувчи тизими. Баргнинг нафас олиши. Фотосинтез. Транспирация. Оддий ва мураккаб барглар. Баргларнинг томирланиши. Баргларнинг уч категорияси. Гетерофилия. Баргнинг келиб чиқиши ва эволюцияси. Баргнинг ривожланиши, куртак ичи ва ташқарисидаги фазалари. Баргнинг учки, чекка, юза қисми орқали ўсиши. Хазонрезгилик, унинг механизми ва аҳамияти. Барг метаморфози.

## **12-мавзу. Гул**

Гул ва унинг таърифи. Гулнинг тузилиши, андроцей ва гинецей. Гулнинг умумий ва хар бир таркибий қисмларининг функциялари. Гул ўрини-гул ўқи эканлиги. Гул қисмларининг жойлашуви. Гул симметрияси типлари. Гул формуласи ва диаграммаси. Косабарг ва тожибаргнинг шакли, функцияси ва келиб чиқиши. Ширадон (нектардон). Гулнинг ривожланиши бўйича илмий қарашлар.

## **13-мавзу. Тўпгуллар. Чангланиш ва уруғланиш**

Тўпгул. Тўпгулларнинг муҳим морфологик белгилари: очик ва ёник, оддий ва мураккаб тўпгуллар ҳакида тушунча. Тўпгулларнинг биологик аҳамияти. Гулли ўсимликлар ривожланишининг умумий схемаси. Унинг прогрессив (юксаклик) томонлари, биологик жиҳатдан афзалиги. Апомиксиснинг турлари. Гулнинг келиб чиқиши ва эволюциясидаги йўналишлар ҳакида айрим гипотезалар. Гулларнинг хилма-хиллиги. Гулли ўсимликларда чангланиш. Унинг умумий тавсифи, хиллари. Ҳашаротлар ёрдамида чангланиш, шамол ва бошқа усуслар ёрдамида чангланиш. Уруғланиш. Кўш уруғланиш.

## **14-мавзу. Уруг**

Бир ургапаллали ва икки ургапаллали ўсимликлар ургининг тузилиши. Уларнинг муртак тузилишидаги фарқлари. Чала ривожланган ва редукцияланган мутак. Ургининг захира моддалари. Ургининг морфологик хиллари. Ургининг хўжалик аҳамияти. Тиним ҳолатидаги уруг. Ургининг униши. Уруг сифати, сифатини баҳолаш усуслари ва уларни ундириш. Ургапаллаларнинг функцияси; ер устки ва ер остики униши.

## **15-мавзу. Мева**

Мева. Унинг таърифи. Меванинг хосил бўлиши. Ҳўл ва қуруқ мевалар. Бир уругли ва кўп уругли мевалар. Чатнайдиган ва чатнамайдиган мевалар. Меваларнинг чатнаш усуслари. Апокарп мевалар. Синкарп мевалар. Паракарп мевалар. Лизикарп мевалар. Тўпмевалар. Гетерокарпия ва гетероспермия. Мева ва уругларнинг тарқалиши. Уруг ва меваларнинг инсон ҳаётида туттган ўрни.

## **16-мавзу. Тубан ўсимликлар**

Тубан ўсимликлар тўғрисида умумий тушунча. Сувўтлар тўғрисида умумий маълумотлар. Сувўтларнинг бўлимлари, прокариот, мезакариот ва зукариот грухлар. Сувўтларнинг келиб чиқиши ва эволюцион алоқалари. Талломининг морфологик жиҳатидан хилма — хиллиги. Ҳужайрасининг тузилиши, кўпайиши. Кўк-яшил сувўтлар бўлими. Қизил сувўтлар бўлими. Яшил сувўтлар бўлими. Тилларанг сувўтлар бўлими. Сарик—яшил сувўтлар бўлими. Диатом сувўтлар бўлими. Кўнгир сувўтлар бўлими. Пирофит сувўтлар бўлими. Эвглена сувўтлар бўлими. Шилимшиклар бўлими. Замбурууглар бўлими. Лишайниклар бўлими. Уларнинг синфлари. Кўпайиши ва аҳамияти.

## **17-мавзу. Юксак ўсимликлар. Йўсингтоифалар (*Vgyophyta*) бўлими**

Умумий тавсифи. Йўсингларнинг қадимги аждодлари. Синфларга бўлиниши. Жигарсимонлар, антоцеротсимонлар маршанциякабилар, сфагнумсимонлар, уларнинг кўпайиши, аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши ва экологияси.

## **18-мавзу. Плаунтоифалар (*Lycopodiophyta*) бўлими**

Умумий тавсифи. Келиб чиқиши ва ривожланган даврлари. Ҳаётий цикли. Микрофиллилик. Тенг спорали ва ҳар хил спорали плаунлар. Бўлимнинг аждодлари (синфлари): плаунсимонлар ва полушиксимонлар. Уларнинг умумий тавсифи, тарқалиши ва экологияси.

## **19-мавзу. Қирқбўгимтоифалар (*Equisetophyta*) бўлими**

Умумий тавсифи. Уларнинг гиениясимонлар, сфенофилсимонлар, қирқбўгимсимонлар каби синфлари, вакиллари, келиб чиқиши, экологияси ва аҳамияти.

## **20-мавзу. Қирқкулоқтоифа (*Polyopodiophyta*) бўлими**

Умумий тавсифи. Тарқалashi ва экологияси. Спорофитининг морфологик тавсифи Макрофиллилик, спорангий ва уининг ривожланиши. Соруслари, синангийлари Тенг ва ҳар хил спорали ўсимликлар. Қазилма қирқкулоқлар (кладоксион, ставроптерис, ва бошк.) ва уларнинг тузулиши. Папоротниктоифаларнинг ужовниксимонлар, мараттиясимонлар, полиподиумсимонлар, полиподиумкабилар, салвиниякабилар каби синф ва

синфчаларга бўлиниши, улар вакилларининг кўпайиш усуллари, ер юзида таркалиши, ўсиши ва ривожланиши, экологияси ҳамда халқ хўжалигидаги аҳамияти.

#### **21-мавзу. Қарагайтоифа ёки очик уруглилар (Pinophyta) бўлими**

Очиқ уруглиларнинг умумий тавсифи. Келиб чиқиши. Кенг таркалган даврлари. Урганиш. Ургнинг ривожланиши ва тузилиши. Куббалар тузилишининг ўзига хослиги. Ўсиши ва ривожланиши, экологияси, хужаликдаги аҳамияти.

#### **22-мавзу. Уругли кирқкулоқсимонлар синфи**

Умумий тавсифи. Синфининг қабилаларга бўлиниши. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

#### **23-мавзу. Қизилчасимонлар синфи**

Қизилчадошлар оиласи. Синфининг қизилчанамолар, гнетумнамолар қаби қабилалари ва уларнинг умумий тавсифи. Қизилчанамоларнинг гулли ўсимликларга ухшаш ва фарқ қиласиган томонлари, экологияси ва аҳамияти.

#### **24-мавзу. Қарагайсимонлар синфи**

Умумий тавсифи Синфчаларга булиниши; Корданткабилар ва қарагайкабилар.

#### **25-мавзу. Қарагайкабилар синфчаси**

Умумий тавсифи. Урганинг тузилиши. Синфчасининг қабилаларга бўлиниши: араукарияномолар, қарагайнамолар, кипариснамолар, тиссанамолар, подокарпинснамолар.

*Араукарияномолар қабиласи.* Араукариядошлар оиласи. Умумий тавсифи. Келиб чиқиши, туркумлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

*Қарагайнамолар қабиласи.* Қарагайдошлар оиласи. Умумий тавсифи. Географик таркалиши. Мухим турлари ва уларнинг халқ хужалигидаги аҳамияти.

*Кипариснамолор қабиласи.* Умумий тавсифи. Таксодиумдошлар ва арчадошлар оилаларининг умумий тавсифлари. Уларнинг мухим туркум ва турлари, экологияси, биосферадаги хўжаликдаги аҳамияти.

*Тисснамолар қабиласи.* Унинг тавсифи. Тарқалиши ва келиб чиқиши. Тиссдошлар оиласи ва унинг узига хос белгилари. Мухим турлари ва уларнинг аҳамияти

*Подокарпуснамолар қабиласи.* Подокарпудошлар оиласи. Улар вакилларининг умумий тавсифи.

#### **26-мавзу. Магнолиятоифа (Magnoliophyta) ёки ёниқ уругли гулли ўсимликлар (Angiospermae) бўлими**

Бўлимнинг умумий тавсифи. Унга кирувчи оилалар ва туркумлар. Уларнинг тарқалиши ва биосферадаги ўрни. Гулли ўсимликларнинг бўлимлар, синфлар (аждодлар), синфчалар (аждодчалар), қабилалар (тартиблар), оилалар, туркумлар ва турларга бўлиниши ҳакидаги тушунчалар. Бир ва икки ургуллалар синфи. Уларнинг фарқ қилувчи ва ўхшашлик белгилари. Умумий тавсифи ва синфчаларга бўлиниши.

#### **27-мавзу. Икки ургуллали ўсимликлар синфи**

Уларнинг умумий тавсифи ва синфчаларга (магнолияқабилар, айиқтовонқабилар, чиннигулқабилар, чинорқабилар, дилленияқабилар, ръянокабилар, ялпизқабилар, қокиётқабилар) бўлиниши жиҳатларининг ўзига хос хусусиятлари. Улар эволюциясининг асосий йўналишлари. Бир ургуллалар билан ўзаро боғлиқлиги. Биосфера ва инсон фаолиятида тутган ўрни.

*Магнолиянамолар қабиласи.* Умумий тавсифи ва эволюциясининг асосий йўналишлари. Вентерадошлар. Дегенериядошлар, Магнолиядошлар оилалари.

*Айиқтовоннамолар қабиласи.* Умумий тавсифи ва вакиллари ҳамда биоэкологияси.

*Кўкнорнамолар қабиласи.* Кўкнордошлар оиласи: тавсифи, вакиллари ва биоэкологияси.

*Чиннигулнамолор қабиласи.* Чиннигулдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари ва биоэкологияси.

*Чинорнамолар қабиласи.* Чинордошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Қайиннамолар қабиласи.* Кайиндошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Ёнгоқнамолар қабиласи.* Ёнгоқдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Наврузгулнамолар қабиласи.* Наврӯзгулдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Гунафшанамолар қабиласи.* Гунафшадошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Юлгуннамолар қабиласи.* Юлгундошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.  
*Толнамолар қабиласи.* Толдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари

*Көвокнамолар қабиласи.* Көвокдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Ковулнамолар қабиласи.* Ковулдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Гулхайринамолар қабиласи.* Гулхайридошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Газанданамолар қабиласи.* Газандадошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Сутламанамолар қабиласи.* Сутламадошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Төшөрарнамолар қабиласи.* Тошёрадошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Раънномамолар қабиласи.* Раъндошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Миртанинамолар қабиласи.* Дербендошлар, анордошлар, миртадошлар оилалари: тавсифи ва асосий вакиллари.

*Бурчокнамолар қабиласи.* Бурчоқдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Сапиндинамолар қабиласи.* Сапиндошлар ва зарангдошлар оилалари.  
Умумий тавсифи, ўзига хос хусусиятлари ва вакиллари.

*Тошибакатоннамолар қабиласи.* Тошибакатоддоши, исирикдош ва пистадошлар оилалари: тавсифи, вакиллари.

*Ёронгулнамолар қабиласи.* Ёронгулдошлар ва қонгепардошлар оилалари: тавсифи, вакиллари.

*Нормушкнамолар қабиласи.* Нормушкдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Чилонжийданамолар қабиласи.* Чилонжийдадошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Аралиянамолар қабиласи.* Аралиядошлар ва зирадошлар оилалари: тавсифи, вакиллари.

*Газакүтнамолар қабиласи.* Рўядошлар ва газакүтдошлар оилалари: тавсифи, вакиллари..

*Итузумнамолар қабиласи.* Итузумдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Печакнамолар қабиласи.* Печакдошлар ва зарпечакдошлар оилалари: тавсифи, вакиллари.

*Говзабоннамолар қабиласи.* Говзабондошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Сигиркуйруқнамолар қабиласи.* Сигиркуйруқдошлар ва зуптурумдошлар оилалари: тавсифи, вакиллари.

*Ялпизнамолар қабиласи.* Тизимгулдошлар ва ялпиздошлар (лабгулдошлар) оилалари: тавсифи, вакиллари.

*Кўнгирокгулнамолар қабиласи.* Кўнгирокгулдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Қоқиўтнамолар қабиласи.* Қоқиўтдошлар (мураккабгулдошлар) оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Лоланамолар қабиласи.* Лоладошлар, пиёздошлар, чучмомадошлар ва гулсафсадошлар оилалари: тавсифи, вакиллари.

*Солабнамолар қабиласи.* Солабдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Ҳилолнамолар қабиласи.* Ҳилолдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Кўнгирбошнамолар қабиласи.* Бугдойдошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Палманамолар қабиласи.* Палмадошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Кўғанамолар қабиласи.* Кўгадошлар оиласи: тавсифи, вакиллари.

*Кучаганамолар қабиласи.* Кучаладошлар ва баргпоядошлар (лемнадошлар) оилалари: тавсифи, вакиллари.

## 28-мавзу. Геоботаника асослари

Кириш. Геоботаника фани предмети, кискача ривожланиш тарихи.

## 29-мавзу. Ҳаётний шакллар

Ҳаётний шакллар бўйича К.Раункиер ва И.Г.Серебряков классификациялари.

## 30-мавзу. Экологик система, биогеоценоз ва фитоценоз тўғрисида тушунча

Ўсимликлар қопламиининг экосистемадаги ўрни. Фитоценоз система сифатида ва унинг хоссалари: мураккаблиги, бетакрорлиги, барқарорлиги ва ўз-ўзини бошқара олиши. Фитоценологиянинг назарий ва амалий аҳамияти. Ўсимликлар қопламиининг ташки мухит шароитини хосил қилувчи омилларга (экотопга) таъсири (сув режимига, эдафик шароитларга, рельефга ва хоказоларга) ва фитомухит хосил килиши.

Ўсимлик жамоалари (фитоценозлар) таркиби ва структураси: турларга бойлиги, структураси (синморфологияси). Вертикал ва горизонтал структура. Структурасининг циклик ўзгаришлари. Биологик маҳсулот ва фитомасса. Синузия.

## 31-мавзу. Ўсимликлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Аллелопатия. Рақобат (тур ичидаги турлараро). Ценопопуляцияларнинг ёшига кўра таркиби.

### **32-мавзу. Ўсимликлар қопламининг динамикаси (синдинамика)**

Унинг асосий шаклари. Сукцессиялар. Флорогенез ва фитоценогенез. Альфа – хилма-хиллик, Бета – хилма-хиллик, Гамма – хилма-хиллик.

Ўсимликлар қопламини классификациялаш (сintаксономия). Классификациялашнинг аҳамияти. Сintаксономия ва таксономия. Асосий сintаксонлар тўғрисида тушунча. Фитоценотик континуум. Классификациялаш бўйича асосий йўналишлар (турли илмий мактабларнинг қарашлари).

## **2-модул. Зоология**

### **33-мавзу. Умуртқасизлар зоологияси**

Биология асослари (Зоология) фанининг мақсад ва вазифалари, обьектлари ва предмети. Фаннинг ривожланиши. Бир хужайралилар кенжә олами. Бир хўжайрали ҳайвонларнинг тузилиши ва органеллалари. Систематикаси. Саркомастигофоралар типи. Хивчинилар ва Саркодалилар кенжә типлари, уларнинг тузилиши. Уларнинг кўпайиши. Апикомплекса ёки Споралилар типи. Тузилиши ва ривожланиши. Классификацияси ва экологияси. Инфузориялар типи. Тузилиши. Классификацияси, муҳим вакиллари ва физиологияси, ҳамда уларнинг аҳамияти.

### **34-мавзу. Кўп хужайралилар кенжә олами**

Кўп хужайралилар келиб чиқиши хақидаги назариялар. Кўп хужайралиларнинг тузилиши, симметрия турлари. Кўп хужайралилар классификацияси. Фагоцителласимонлар катта бўлими Пластинкалилар типи. Паразоа катта бўлими. Булутлар (Фовактанлилар) типи. Умумий тавсифи, хужайра элементлари, скелети Классификацияси ва вакиллари. Булутларни сув ҳавзаларидаги экологик аҳамияти. Эуметазоа катта бўлими. Радиал симметриялилар бўлими. Бўшлиқчилар типи. Тузилиши. Ривожланиши ва кўпайиши ва колония ҳосил бўлиши. Гидрасимонлар синфи. Гидрасимонлар – ифлосланган сув биоиндикаторлари. Сцифоид медузалар ва Коралт полиплар синфлари, муҳим вакиллари ва тарқалиши.

### **35-мавзу. Биллатернал симметрияли ҳайвонлар бўлими**

Яssi чувалчанглар типи. Уларнинг тузилиши. Экологияси ва тарқалиши. Мезодерма. Классификацияси. Киприкли чувалчанглар синфи. Тузилиши, кўпайиши, ривожланиши, регенерация. Киприкли чувалчанглар – сув ҳавзалари биоиндикаторлари. Сўргичилар, Моногениялар ва Тасмасимон чувалчанглар синфлари.

**36-мавзу. Тўгарак ёки бирламчи тана бўшликли чувалчанглар типи**  
Тўгарак чувалчанглар типининг умумий тузилиши. Классификасияси. Коринктиприклилар синфи, тузилиши, физиологияси ва ҳаёт тарзи. Нематодалар синфи. Тузилиши, тери-мускул халтаси, кутикула ва унинг роли, кўпайиши ва ривожланиши. Паразит нематодалар ва уларнинг одам, кишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва ўсимликлари учун аҳамияти. Киноринхлар, Қилчувалчанглар, Оғизайлангичлар синфлари. Уларнинг тузилиши ва ривожланиши. Асосий хусусиятлари ва биологияси. Кўпайиши, ривожланиши. Тўгарак чувалчангларнинг кенг тарқалган синф вакиллари ва уларнинг аҳамияти.

### **37-мавзу. Халқали чувалчанглар типи**

Тузилиши ва органларининг метамерияси. Параподийлар. Иккиламчи тана бўшлиги (целом), вазифаси ва келиб чиқиши. Кўп туклилар синфи. Умумий тавсифи. Кўпайиши, эмбрионал ривожланиши. Трохофора ва метатрохофора. Экологияси. Уларнинг денгиз фаунасидаги аҳамияти. Камтуклилар синфи. Тузилиши, сув ва тупрокда яшовчи формалари. Камтуклиларнинг биогеоценозларда тарқалиши. Биогумус олишдаги аҳамияти. Ёмғир чувалчангининг тупроқдаги роли. Зулуклар синфи. Кўпайиши ва ривожланиши. Уларнинг тибиётдаги аҳамияти. Эхиуридлар синфи. Биология ва экологияси. Халқали чувалчанглар типи вакилларининг тарқалишидаги ҳарорат, намлик ва бошқа экологик омилларнинг аҳамияти.

### **38-мавзу. Моллюскалар типи**

Моллюскалар ёки юмшоқтанлилар типининг умумий тавсифи. Чиганокнинг тузилиши ва аҳамияти. Мантя. Ёнбошнервилар кенжа типи. Умумий тавсифи. Чиганоклилар кенжа типи. Моноплакофоралар синфи. Кориноёклилар синфи. Тузилиши, асимметрия ва унинг келиб чиқиши. Органлар системаси. Экологияси. Аҳамияти. Пластинкажабралилар ёки иккипаллалилар синфи. Чиганоги, унинг очилиш механизми ва қулфлар. Биофільтрация. Бошоёқли моллюскалар синфи. Умумий тавсифи. Чиганокнинг редукцияга учраши ва ички скелетнинг ривожланиши. Ривожланиши. Бошоёқли моллюскаларнинг озик-овқат саноатидаги аҳамияти.

### **39-мавзу. Бўғимоёқлилар типи**

Бўғимоёқлилар типининг умумий тавсифи ва тузилиши. Жабра билан нафас олувчилар кенжа типи. Кискичбакасимонлар синфи. Тузилиши. Кўпайиши ва ривожланиши. Классификасияси: кенжа синфлари, туркумлари ва мухим вакиллари. Трахеялилар кенжа типи. Кўпоёқлилар синфи. Тузилиши.

Кўпайиши ва ривожланиши. Экологияси. Кўпоёқлиларнинг асосий гурухлари. Кўпоёқлиларнинг биогеоценоздаги аҳамияти. Ҳашаротлар синфи тузилиши. Уларнинг қуруқликда яшашга мослашуви. Ҳашаротларнинг кўпайиши ва ривожланиши. Метаморфоз турлари. Жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротлар ва улардаги полиморфизм. Экологияси ва этологияси. Кенжасинфлари ва туркумлари. Ҳашаротларнинг табиатда ва инсон ҳайтидаги аҳамияти. Хелицералилар кенжасинфи. Қиличдумлилар синфи. Тузилиши. Ўргимчаксимонлар синфи. Тузилиши. Кўпайиши ва ривожланиши. Асосий туркумлари ва уларнинг аҳамияти. Сув ва қуруқликда яшовчи ўргимчаклар экологияси. Каналар. Паразит турлари ва аҳамияти.

#### **40-мавзу. Умуртқалилар зоологияси. Хордалилар типи**

Пардалилар ёки личинка хордалилар кенжасинфи. Бошскелетсизлар кенжасинфи. Типнинг умумий тавсифи. Хордалиларни ҳайвонот олами системасида туттан ўрни. Хордалилар типининг систематикаси. Пардалилар ёки личинка хордалилар кенжасинфи, тузилишининг асосий белгилари ва классификацияси. Асцидиялар синфи, тузилиши, кўпайиши ва ривожланиши. Биологик хусусиятлари: якка ва колония бўлиб яшовчи, ўтрок ва эркин сузувчи турлари. Сальплар синфи, тузилиши, кўпайиши ва ривожланиши. Якка ва колония турлари. Метогенез ва унинг биологик аҳамияти. Аппендикуляриялар синфи, тузилиши, кўпайиши ва ривожланиши. Бошскелетсизлар кенжасинфи. Тузилишининг асосий белгилари ва систематикаси. Ланцетникнинг тузилиши ва биологияси. Бошхордалиларнинг ҳаёт тарзи ва аҳамияти.

#### **41-мавзу. Умуртқалилар кенжасинфи. Жағсизлар бўлими. Тўғарак оғизлилар синфи**

Тузилишининг асосий белгилари: ўқ скелети, бош скелети, қўл-оёқ, овқат ҳазм қилиш системаси, нафас олиш, қон айланиш, нерв системалари ва сезги аъзолари. Тузилишининг мураккаблашиши ва аъзоларининг тараққиёти – умуртқалилар прогрессив эволюциясининг асосий шарти эканлиги. Умуртқалилар кенжасинфи систематикаси. Жағсизлар бўлими. Тўғарак оғизлилар синфи, умумий тавсифи ва систематикаси. Миногаларнинг тузилиши ва ҳаёт кечириши. Минога ва миксиналар тузилишидаги фарклар. Тўғарак оғизлиларнинг амалий аҳамияти.

#### **42-мавзу. Жағогизлилар бўлими. Балиқлар катта синфи**

Балиқлар катта синфининг умумий тавсифи ва систематикаси. Балиқларнинг ҳаракат-таянч системаси, тузилишининг асосий белгилари.

Балиқлар сув ҳайвони сифатида: нафас олиш, қон айланиш ва айриш системалари тузилиши. Тогайли балиқлар синфи. Тузилиши, кўпайиши ва ривожланиш хусусиятлари. Туз ва сув алмашинуви. Тогайли балиқлар синфи систематикаси. Тогайли балиқларнинг амалий аҳамияти. Суякли балиқлар синфи, тузилиш. Суякли балиқлар синфи систематикаси. Шуълақанотлилар кичик синфининг таърифи, тогайли ганоидлар, суякли ганоидлар, суядор балиқлар, кўп қанотлилар, суякли балиқлар тўдаси. Уларнинг тузилиши хусусиятлари. Физиологияси ва ҳаёт кечириши. Кафтқанотлилар кичик синфининг таърифи: катта туркумлари: чўтқақанотлилар ва икки хил нафас олувчилар, уларнинг тузилиши хусусиятлари, физиологияси, ҳаёт кечириши. Биологик тўдалар ва уларга хос бўлган мосланиш хусусиятлари: кўпайиши, миграцияси, овланишдаги аҳамияти. Балиқлар экологияси.

#### **43-мавзу. Тўртоёқлилар катта синфи. Амфибиялар синфи**

Тўртоёқлилар катта синфига тавсиф. Куруклика яшовчи умуртқалиларнинг келиб чикиши. Умуртқалиларнинг куруклика чиқишидаги экологик ва морфологик мосланишлари. Сувда ҳамда куруклика яшовчиларнинг илк вакиллари сифатида полеозой даврида яшаган амфибия – стегоцефаллар. Амфибиялар (Сувда ҳамда куруклика яшовчилар) синфи. Синфининг умумий тавсифи. Амфибияларнинг тузилиши ва биологик хусусиятлари. Синф систематикаси: оёқсизлар туркуми, думли ва думсиз амфибиялар. Амфибиялар асосий экологик гурухлари, овқатланиш, кўпайиши, ривожланиши ва насл учун кайгуриш усуслари. Амфибияларнинг амалий аҳамияти.

#### **44-мавзу. Рептилиялар (Судралиб юрувчилар) синфи**

Анамния ва амниоталарнинг морфологик ва физиологик белгилари: ривожланиши, тухумининг тузилиши, муртак қобиқнинг пайдо бўлиши. Тери ва унинг таркибий қисмлари. Айирав системасининг хусусиятлари ва бу хусусиятларнинг куруклика ҳаёт кечиришга ўтишга боғликлigi. Рептилияларнинг тузилиши ва физиологияси. Ҳаёт кечириши, кўпайиши, овқатланиши, мавсумий хоссалари, хулқ атворининг иссиқ икlim шариоитига мосланиш хусусиятлари. Рептилиялар синфининг систематикаси: хартумбошлилар, тангачалилар, тимсоҳлар ва тошбақалар туркумлари. Рептилияларнинг экологияси. Рептилияларнинг амалий аҳамияти.

#### **45-мавзу. Кушлар синфи**

Кушлар синфининг умумий тавсифи. Кушларининг ташки ва ички тузилиши. Ҳозирги замон кушларининг систематикаси. Кушларнинг

экологияси: географик тарқалиши, экологик гурухлари, учишга мосланиши, кўпайниши, ривожланиши, насл учун қайгуриши, мавсумий хоссалари. Миграция. Ўрта Осиё орнитофаунасининг турли-туманлиги ва асосий вакиллари. Кушларнинг овланадиган, ноёб ва қўрукландиган турлари. Кушларнинг амалий аҳамияти.

#### **46-мавзу. Сутэмизувчилар ёки даррандалар синфи**

Синфининг умумий таърифи. Сутэмизувчиларнинг тузилиши. Сутэмизувчилар синфининг систематикаси: бир тешкливилар, халтвалилар, йўлдошлилар ва уларнинг асосий биологик хусусиятлари. Йўлдошли сутэмизувчилар систематикаси ва уларнинг туркумлари. Сутэмизувчиларнинг экологияси ва географик тарқалиши. Экологик гурухлари. Сув мухитини иккиласми чи ўзлаштириш, мавсумий ритм. Уларнинг овқатланиши ва экосистемадаги ўрни, овланадиган турлари, улардан маҳсулот тайёрлаш, муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги заараркунандалари, касал тарқатувчи ва хонакилаштирилган турлари. Ўрта Осиё сутэмизувчиларининг турли-туманлиги. Сутэмизувчиларнинг амалий аҳамияти.

#### **47-мавзу. Ҳайвонлар биосферанинг компоненти сифатида**

Биосфера тўғрисида тушунча. Биоценоз, экосистема ва биогеоценоз тўғрисида тушунчалар. Биосферада ҳайвонларнинг роли.

#### **48-мавзу. Ҳайвонларнинг тарқалиш қонуниятлари**

Мухит омиллари. Ареал. Фауна. Ҳайвонларнинг таксимланиши. Ер шаридаги ҳайвонот оламиининг асосий фаунавий областлари.

### **IV. Амалий машғулотлар бўйича тавсия ва кўрсатмалар**

Амалий машғулотлар учун кўйидаги мавзулар тавсия этилади:

Ботаника ва геоботаника асослари

1. Ўсимлик хужайрасининг тузилиши. Пиёз пўсти эпидермаси хужайрасининг тузилиши.
2. Ўсимлик тўқималарининг умумий тавсифи.
3. Уруг. Бир ва иккита паллали ўсимликлар ургининг тузилиши.
4. Мева типлари.
5. Сувўтлар.
6. Шилимшиклар бўлими.
7. Замбуруглар бўлими.
8. Лишайниклар бўлими.

9. Қарагайтоифалар (гінкго билоба, оддий қарагай).
15. Магнолиядошлар оиласи (йирик гулли магнолия)
16. Айкотовондошлар оиласи (ўрмаловчи айктовон).
17. Кўкнордошлар оиласи (кўкнори).
18. Нилуфардошлар оиласи (ок тусли нимфия).
19. Ёнғокдошлар оиласи (ёнғок).
20. Толдошлар оиласи (тол, терак).
21. Ўсимликларнинг хаётий шакларини ўрганиш (Раункиер ва Серебряков бўйича)
22. Геоботаниканинг асосий методлари билан танишув. Геоботаник тавсиф олиб бориш.
23. Фитоценознинг (ценопопуляциянинг) тузилишини амалда ўрганиш. Шаҳар хиёбонлари ва аллеялари мисолида.
24. Ценопопуляциялардаги турли ёшдаги индивидлар сонини аниqlаш.
25. Фитоценозларнинг флористик таркибини ўрганиш. Аник бир хиёбон мисолида.
26. Бир хужайралилар кенжә олами (Protozoa). Саркомастигофоралар типи (Sarcomastigophora) Хивчинлилар синфи эвглена ва вольвокснинг тузилиши. Саркодалилар кенжә типи (Sarcodina). Амёбанинг тузилиши.
27. Инфузориялар ёки киприклилар типи (Ciliophora). Киприкли инфузориялар синфи. Парамеция (туфелка) инфузориясининг тузилиши ва кўпайиши.
28. Бўшлиқчилар типи. Гидрозойлар (Hydrozoa) синфи. Чучук сув гидрасининг тузилиши.
29. Яssi чувалчанглар типи (Plathelminthes). Сўргичилар ёки трематодалар синфи. Жигар куртининг тузилиши.
30. Тасмасимон чувалчанглар синфи. Қорамол солитёрининг тузилиши.
31. Тўгарак чувалчанглар типи. Одам аскаридасининг морфологияси ва анатомияси.
32. Халқали чувалчанглар типи (Annelida). Кам қили чувалчанглар (Oligochaeta) синфи. Ёмғир чувалчангининг тузилиши.
33. Моллюскалар ёки юмшоқтанилилар типи (Mollusca). Пластинкажабралилар синфи. Бақачаноқнинг анатомияси.
34. Бўғимоёқлилар типи (Arthropoda). Ўноёқлилар туркуми (Decapoda). Дарё қисқичбақасининг тузилиши.
35. Трахеялилар кенжә типи (Tracheata). Ҳашаротлар синфи. Суваракнинг тузилиши.

36. Хордалилар – Chordata. Хордалиларнинг умумий тузилиши. Бошсұяқсизлар кенжә типи – Acrania. Бошхордалилар синфи - Cephalochordata. Ланцетник мисолида қон айланиш, айриш ва асаб тизимларининг тузилиши.

37. Умуртқалылар кенжә типи - Vertebrata. Жағсизлар бўлими - Agnatha. Тўгарак оғизлилар синфи - Cyclostomata. Минога ва миксин

38. Баликлар катта синфи - Pisces. Тогайли баликлар синфи - Chondrichthyes. Суякли баликлар синфи - Osteichthyes. Карп балигининг тузилиши.

39. Сувда ҳамда куруқда яшовчилар ёки амфibiaлар синфи - Amphibia. Кўл бақасининг скелети ва тери тузилиши.

40. Судралиб юрувчилар синфи – Reptilia. Калтакесакнинг ташки ва ички тузилиши.

41. Күшлар синфи – Aves. Каптар мисолида күшларнинг тузилиши

42. Сут эмизувчилар синфи – Mammalia. Куён мисолида сут эмизувчиларнинг ташки ва ички аъзолари.

43. Сут эмизувчиларнинг айри вакилларини тузилишини солиштириш

44. Ҳайвонлар биосферанинг компоненти сифатида. Биоценоз, экосистема ва биогеоценоз.

45. Ҳайвонларнинг тарқалиш қонуниятлари. Мухит омиллари. Ареал. Фауна. Ҳайвонларнинг тақсимланиши. Ер шаридаги ҳайвонот оламининг асосий фаунавий областлари.

Амалий машгулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машгулотлар фаол ва интерактив усуслар ёрдамида ўтилиши, мос равиша муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофик.

## VI. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Тубан ўсимликларнинг бўлимлари.
2. Юксак ўсимликларнинг бўлимлари.
3. Ўзбекистоннинг фойдали ўсимликлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар.
5. Ўсимликлар котламини классификациялашда доминантлик ва экологик-флористик методлар.
6. Книдоспоридийлар ва Микроспоридийлар. Умумий тавсифи, классификацияси ва асосий вакиллари.

7. Тароклилар типи. Уларнинг тузилишидаги хусусиятлари ва асосий вакиллари.
8. Немертиналар типи, вакиларининг тавсифи, кўпайиши ва тарқалиши.
9. Тиканбошлилар типи. Характерли хусусиятлари. Паталогик аҳамияти.
10. Онихофоралар типи, умумий тавсифи, экологияси, географик тарқалиши
11. Пайпаслагичилар типи. Умумий тавсифи. Мшанкалар, Елкаёклилар, Форонидалар
12. Погонофоралар типи ва ҳайвонот дунёсидаги ўрни.
13. Қилжағлилар типи. Умумий тавсифи ва экологик хусусиятлари.
14. Игнатерилилар типи (*Echinodermata*). Умумий тавсифи, классификацияси ва мухим вакиллари.
15. Ҳайвон организми ҳужайра ва тўқималарининг тузилиши ва ривожланиш шартлари.
16. Эволюция жараёнини ҳаракатга келтирувчи омиллар ва механизмлари.
17. Умуртқалиларнинг келиб чикиши ва эволюцион таракқиётiga доир палеонтологик тасаввурлар.
18. Биосфера ва унда хордали ҳайвонларнинг тутган ўрни.

Мустакил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот килиш тавсия этилади.

*Фан бўйича курс иши.* Курс иши фан мавзуларига тааллукли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фандастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат килиши керак.

#### **Курс иши учун тахминий мавзулар:**

1. Ўсимлик ҳужайранинг тузилиши.
2. Ўсимлик тўқималари. Унинг хиллари ва вазифалари.
3. Вегетатив органлар (илдиз, поя, барг)
4. Гулнинг келиб чикиши ва эволюциясидаги йўналишлар ҳакида айрим гипотезалар.
5. Мева. Ёпик уругли ўсимликларда гетерокарпия ва гетероспермия.
6. Уруг ва меваларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни.
7. Ўсимликларнинг экологик гурухлари ва ҳаёт шакллари.
8. Тубан ўсимликлар.

9. Сувўтларининг экологик гурухлари.
10. Сувўтларнинг тарқалишида экологик омилларнинг роли.
11. Замбууругларнинг экологик гурухлари.
12. Лишайниклар.
13. Йўсингонифа ўсимликлар бўлими.
14. Плаунтоифа ўсимликлар бўлими.
15. Қиркбўғимтоифа ўсимликлар бўлими.
16. Қирккулоқтоифа ўсимликлар бўлими.
17. Карагайтоифа ўсимликлар бўлими.
18. Гулли ўсимликларнинг келиб чиқиши.
19. Бир ургапаллалилар синфи.
20. Икки ургапаллалилар синфи.
21. Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари.
22. Фитоценознинг характерли белгилари.
23. Трансбиотик ва трансабиотик алоқодорлик.
24. Ценопопуляция.

*Изоҳ: курс шиши мавзуси талаба томонидан танлаб белгиланади.*

## VII. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот маибалари

### Асосий адабиётлар

1. Mustafaev S.M., Ahmedov O'. A. Botanika. Toshkent. "O'zbekiston". 2006.
2. Икромов М.И., Нормуродов Х.Н., Юлдашев А.С. Ботаника. Тошкент, «Ўзбекистон». 2002. - 322 б.
3. Абдурахмонов Г.Н. и др. Основы зоологии и зоогеографии. Москва, Академия, 2001.
4. Мавлиянов О.М., Хуррамов Ш.Х., Эшова Х.С. Умуртқасизлар зоологияси. Тошкент, OFSET PRINT, 2006. 550 б.

### Кўшимча адабиётлар

5. Еленевский А.Г., Соловьева М.П., Тихомиров В.Н. Систематика высших или наземных растений. Издательский центр «Академия», Москва, 2000. – 429 с.
6. Еленевский А.Г., Соловьева М.П., Тихомиров В.Н. Ботаника. М.: «Академия», 2001. – 432 с.

7. Яковлев Г.П., Челомбытко В.А. Ботаника. СПб.: СПХФА. 2001. – 680 с.
8. Великанов Л.И. ва бошқалар. Тубан ўсимликлар. Тошкент 1995. -375 с.
9. Пратов Ў., Жумаев К. Юксак ўсимликлар систематикаси. Тошкент, 2003. 144 б.
10. Суворов В.В., Воронова И.Н. Ботаника с основами геоботаники. М.: «Просвещение», 1979. - 560 с.
11. Мавлянов О.М., Хуррамов Ш.Х. Норбоев З.Н. Умуртқасизлар зоологияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2002. 438 б.
12. Норбоев З.Н., Усмонова О.З. Умуртқасизлар зоологиясидан амалий машгулотлар бўйича методик кўрсатмалар. 1-2 қисм. Тошкент, Университет, 1992 й.
13. Мўминов Б.А., Эшова Х.С., Рахимов М.Ш. Умуртқасиз ҳайвонлар зоологиясидан амалий машгулотлар. Тошкент, PATENT PRESS, 2005.190 б.
14. Лопатин И.К. Функциональная зоология. Минск. Высшая школа. 2002.

#### Интернет сай tlari

[www.gbif.org](http://www.gbif.org) (Global Biodiversity Information Facility)  
[www.mappinglife.org](http://www.mappinglife.org) (Map of Life)  
[www.iucnredlist.org](http://www.iucnredlist.org) (The IUCN Red List of Threatened species)  
[www.plantlife.org.uk](http://www.plantlife.org.uk) (Plantlife: Important Plants Areas)  
[www.flora.uz](http://www.flora.uz)  
[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)  
[www.naukaran.ru](http://www.naukaran.ru)  
[www.rusplant.ru](http://www.rusplant.ru)  
[www.zoohistory.ru](http://www.zoohistory.ru)  
[www.uzspb.uz](http://www.uzspb.uz)  
[www.eco.uz](http://www.eco.uz)  
[www.uznature.uz](http://www.uznature.uz)  
[www.birdlife.org](http://www.birdlife.org)  
[www.floranimal.ru](http://www.floranimal.ru)



